

# НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН!



Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

# asr

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

17-mart 2022-yil 11 (957)



www.21asr.uz



@XXIasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan



ЭЪТИРОФ

## БУ ҲАМ БИЗГА БАЙРАМ ЭМАСМИ?!

10 март 2022 йил...  
Дунё ОАВлари хабарлар лентасида шундай мазмундаги ахборот тарқалди: "Cotton Campaign" халқаро коалицияси раҳбари Беннет Фриман Ўзбекистон пахтасини бойкот қилиш бўйича бошланган кампания мамлакатда 2021 йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилгани муносабати билан бекор қилинганини билдирди!"




Ўзимизча бу қувончли муждани сокингина ўтказиб юбордик, десак тўғрироқ бўлар. Аслида-чи, кам эмас ахир, ўн йиллар давомида халқаро миқёсда давлатимиз нуфузига салбий таъсир кўрсатувчи бу аламли маломатдан қутулиш осон кечди деб ўйлайсизми?!

Эслик, 12 йил бурун айнан ана шу ноҳукумат ташкилот (халқаро коалиция), кам эмас, 300 дан ортиқ тўқимачилик ва савдо компаниясини бирлаштирган гуруҳ Ўзбекистонда пахта мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланилаётгани важи билан 2011 йилдан бери мамлакатимиз пахта маҳсулотларига тақиқ (бойкот) эълон қилганди. Ушанда биринчи бўлиб хорижда яшаётган "инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари" қанчалар шодмон бўлганини сўз билан изоҳлаш мушкул. Ана энди кўрасизлар, бу бойкот мамлакат иқтисодига кескин зарба бўлади, халқнинг қашшоқлик даражаси ошиб кетади, дея қарсақ чалганлар ҳам кам бўлмади.



Норқобил ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Давоми 3-саҳифада. ►►

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

Она бағри каби илқидир олам,  
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.  
Қолди пучмоқларда хазон янглиг га.м,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,  
Яна шугъалардан қамашмоқда кўз.  
Яна дилдорликнинг фурсати етди,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.

Аввал юрагинга мўралайди у,  
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.  
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.

Қишининг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,  
Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз.  
Жилва қилаёттир тенгсиз бир чирой,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.



**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

Халқимизни, тадбиркору ишбилармонлар, миришкор деҳқону фермерларни гўзаллик ва янгилашни айёми – Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!

Жаннатмонанд юртимизнинг ҳар бир гўшасида ўзгача руҳда нишонланадиган шарқона Йилбоши улғу ниятлар, эзгу умид-орзулар билан Янги Ўзбекистонимиз раванқи, тараққиётчи, фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз учун бахт ва шодлик, қувонч ва хурсандчиликлар олиб келсин!



**ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ: ҚОНУНИ БУЗДИНГИЗМИ, ЖАЗО МУҚАРРАР!**

2с.

**ФОРИШДА ШУНДАЙ ЁШЛАР БОР**

4с.

**КОНЦЕРТГА ГУЛ, ЙЎҒ-Е, ЎҚЛОВ БИЛАН БОРИНГ!**

6с.

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

## ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ОҒОҲЛАНТИРАДИ: ҚОНУННИ БУЗДИНГИЗМИ, ЖАЗО МУҚАРРАР!



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди.**

Қайд этилганидек, Ҳисоб палатаси 2021 йилдаги фаолиятини "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги қонун ҳамда Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширди. Палатанинг 2021 йилдаги тасдиқланган назорат ишларининг йиллик дастурда "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги қонунда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан 46 та назорат тадбири режалаштирилган эди. Амалда эса қўшимча топшириқлар асосида 60 та назорат тадбири ўтказилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарор ва топшириқларининг тўлиқ, ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш ишлари олиб борилди. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган

ётган дастурлар ижроси доимий, жойига чиққан ҳолда назоратга олиниб, амалий ёрдамлар кўрсатиб борилди.

Ҳисоботда келтириб ўтилганидек, ўтган даврда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича масъул ходимлар бириктирилиб, ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Мазкур қарор доирасида давлат бюджетидан жами 10,6 трлн. сўм, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига 2 трлн. сўм, инвестиция дастурига 8,6 трлн. сўм маблағ ажратилган. Улардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан республика штаби томонидан доимий назорат ишлари олиб борилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар тақдим этилган ҳисоботни ижобий баҳолаган ҳолда, палатанинг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
"XXI asr" мухбири

БАРАКА ТОМОРҚАДА!

## КЎРАСИЗ, КАМБАҒАЛ ОИЛА ҚОЛМАЙДИ



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов яқинда Қашқадарёга сафари чоғида томорқа ерларидан самарали фойдаланиш юзасидан қатор учрашувлар ўтказди.**

Таъкидлаш жоизки, O'zLiDeP туман кенгашларининг Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамжиҳатликдаги фаолияти натижасида воҳадаги янги-янги имкониятлар ишга солинаётди. Кенгаш қўшидаги жамғарма ҳисобидан ажратилган 6 млрд. 903 млн. сўм маблағ эвазига Чирокчи туман Шўрбозор ҳудудида 2 гектар ерга, Қамаш туманидаги Ғаллакор массивида эса 80 гектар боғ ва тоқзорга томчилатиб суғориш ускуналари ўрнатилиб, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бошлаб юборилди.

**БОҚИМАНДАЛИК БАРҲАМ ТОПАДИ**

– Партияимиз лидери аҳоли билан мулоқотларда депутатлар ва фаоллар аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, оилалар даромади эшига турмуш фаровонлигини ошириш борасида жойлардаги ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда ишлаши зарурлигини бежиз эътироф этмади, – дейди Қарши туман Муस्ताқиллик маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси, туман кенгаши депутати Дилшод Турсунов. – Халқ вакиллари ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллари мунтазам равишда хонадонларда бўлиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашётгани боис маҳалламизда тадбиркорлик ривожланаётди. Қишлоғимиз аҳолиси иссиқхонада сабзавот ва цитрус мевалар етиштиришда

воҳа аҳлига намуна бўлиб келмоқда. Бугунги кунда маҳалламизда 4133 нафар аҳоли истиқомат қилади. 923 хонадон мавжуд, уларнинг юздан ортиғида иссиқхона бўлиб, шунинг ордидан, яхшигина, даромад қилишяпти. Томчилатиб суғориш орқали деҳқончиликни ташкил этишяпти, хаттоки янгидан ташкил этилган боғларни ҳам шу усулда озиклантириб, парваришлаб, мўл ҳосил олишмоқда.

Яхшиси, жонли мисолларга мурожаат қилайлик.

Латофат Қўлиева Касби туман ҳокимининг Таллююлғун маҳалласидаги ёрдамчиси сифатида аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган O'zLiDeP фаолларидан. У маҳалладаги 400 хонадоннинг ҳар бирида 2 сотих майдонда олмасор ва узумзор яратиш ташаббуси билан чиққан эди. Бу ташаббусни Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳамда партия фаоллари қўллаб-қувватлашди. Қашқадарёлик фермер ва томорқачиларга Фарғона виллояти Қува туманидаги Шредер номидаги илмий тажриба маркази ходими Шерзод Абдуллаев томонидан интенсив ярим пакана навли олма, Ризамат ота номли ток кўчатларини парвариш қилиш, шакл бериш, суғориш ва зараркунандалардан асраш мақсадида кимёвий ишлов бериш ҳамда агро-техник тадбирлар ҳақида мастер класс ўтказилди. Унинг айтишича, ярим пакана олма навининг тезпишар ва серҳосиллиги боис кўчат олишга талабдорлар сони кун сайин ортиб бораётди. Ҳозирга қадар виллоятга 100 минг туп мевали дарахт кўчатлари олиб келинган. Пакана навли олма кўчатларидан 1 гектар майдонга ниҳол ўтказган фермер 60 миллион сўмдан орттиқ соф фойда олиши исботланган.

Масалан, Латофат Қўлиева 8 сотих томорқасига 11 туп серҳосил, тезпишар олма, 2 сотих ерга 50 туп гилос, кўчасидаги йўл четига 20 туп Ризамат ота серҳосил узум кўчатини ўтқазиб парваришляпти. Энди маҳалладошларини хонадонига чорлаб, "Яшил макон" умумиллий лойиҳаси

доирасида тарғибот ишларини кучайтиряпти. Амалийёт машғулотларида узум селекцияси ишларини давр талаблари даражасида ташкил этиш, иссиқ ва сув-сизликка чидамли янги узум навларини яратиш зарурлиги ҳақида тақлиф ва мулоҳазалар билдириляпти. Ҳозирга қадар унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаган 100 нафар деҳқон ўз томорқасидаги 2 сотих майдонни мевали боққа айлантирибди. Энг муҳими, маҳалладаги томорқа майдонларида боғ ва узумзорлар яратиляётгани боис оила аъзолари доимий ва мавсумий иш билан ҳам таъминланяпти.

**ПАКАНДИЛИКЛАР ПАКАНА ОЛМА ЭКАДИ**

Чирокчининг Паканди қишлоғи аҳли азаладан томорқачиликда доврўғ тарратган. Бошқа ҳудудларни билмадиг-у, лектин бу ерда экин-тикин ишлари бошланиши биланоқ бозорга ана шулар биринчилардан бўлиб помидор, бақлажон, қарам, булғор ва аччиқ қалампир, қулупнай кўчатларини чиқаради. Бўшаган майдонларга эса картошка, қарам, сабзи ва бошқа сабзавотлардан экиб, мўмайгина даромад топади. Аммо уруғликни ҳар ердан сотиб олаётганликлари боис кейинги йилларда картошка ҳосили унчалик яхши бўлмаёпти.

Уша кунги Пакандида ўтган амалий семинарда айнан шу масалада одамлар Ақтам Хайтовдан ёрдам сўрашди. Спикер ўринбосари туманда картошкачилик кооперацияси ташкил этилиб, деҳқонлар сифати ва тезпишар картошка уруғи билан таъминланишини айтганида, томорқачилар суюниб кетди.

Масалан, Дилмурод бобо Сатторовнинг тажрибасини тумандаги томорқачиларга намуна сифатида кўрсатса бўлади. Отахон кампир Насиба Эргашева билан 20 сотих томорқасида турли хил кўчат, сабзавот экинлари етиштириб, ҳар йили 50 миллион сўм атрофида даромад топяпти. Семинар баҳонасида чирокчилик деҳқонларга Фермер, деҳқон хўжаликлар

ри ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурдаги жамғарма томонидан ажратилган 7 фоизлик кредит олиш қоидалари хусусида ҳам маълумот берилди.

Шундан сўнг Наманган виллоятдан тақлиф этилган уста боғбонлар ўзлари пайвандлаб етиштирган мевали дарахт кўчатларини экиш ва парваришлаш ҳақида сўзлаб беришди. Қишлоқ аҳолисига жовпазак олмалар маъқул келди ва улар ўз томорқалари ҳамда далаларга ярим пакана кўчатларини ўтқазиб тақлифини билдирдилар. Қисқа фурсатда водийдан кўчатлар келтириладиган бўлди. Эътиборлиси шундаки, Пакандида экилган ярим пакана ниҳоллари биринчи йилдаёқ ҳосил берармиш. Ҳозиргача виллоятга 100 минг туп мевали дарахт кўчатлари олиб келинган.

**ЧИРОҚЧИЛИК БАЛИҚЧИ**

Ишонгиси келмайди одамнинг. Сабаби, кўпчилик Чирокчи деса, кўз олдига қип-қизил чўл, кенг далалар келади-да. Балиқчилик кооперациясига асос солингани эшитганлар ҳайратланганиям бор гап. Худуди жиҳатидан Андижон виллоятга тенг келадиган бу туманининг катта қисми лалмикор майдонлардан иборат.

Қаҳрамон қишлоғида Абдурашид Аҳмедов деган тибиб-тинчимас одам бор. Интернет қовлаб ўтириб, Фарғонанинг Олтиариқ туманида яшовчи бир тадбиркор Африканинг лаққа балиғини етиштиришга тенг келадиган бу туманининг катта қисми лалмикор майдонлардан иборат. Аммо балиқчи етиштириш учун сувнинг ҳароратини 20 даражада иссиқликда ушлаб туриш керак экан. Қаҳрамонда эса 23 даражадаги илиқ сув шундоғам берорга этилиб чиқиб ётибди. Омадининг келгани шу-да! Олтиариққа бориб, ўша тадбиркордан уч ой давомида балиқ етиштириш сирларини ўрганиб қайтди. Абдурашид аканинг қўтилмаганда деҳқончиликни йиғиштириб, балиқчилик билан шуғуллана бошлаганига ҳамқишлоқлари ҳайрон қолди. Кўпчилик унинг ташаббусига шубҳа билан қаради, ҳадемай бор-йўғидан ажралади, деб устидан кулганлар ҳам бўлди. Катта қийинчилик билан ҳовуз қазиб, кам эмас, 30 минг чавақ ташлади. Туну кун балиқчаларни озиклантириш, сувни тозаланини сақлаш билан машғул бўлди. Худо берса ҳеч гап эмас экан. Абдурашидбой балиқчи кам эмас, 8 ойда 200 миллион сўм даромад қилганига ҳалиям одамлар ишонмаяпти.

– Ҳозир Чирокчида эмас, бутун Қашқадарёда обрўйим ошиб кетди бўёғини сўрасангиз, – дейди Абдурашид Аҳмедов. – Эшигимдан одам аримайдиган бўлиб қолди. Одамлар балиқчилик сирларини ўрганиш учун уйимда ётиб олиб, менга кўмаклаша бошлади. Тадбиркорликда таваккал қилган киши кўп ҳолларда ютаркан. Банкдан 300 миллион сўм кредит олиб, яна 5 та ҳовуз ташкил этдим. Ҳозир 150 минг дона балиғим бор. Энди, ишонмайсиз, бир миллиард сўм фойда олишни кўзлаяпман.

Кунги кеча O'zLiDeP раиси, парламент Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Хайтов бизнинг Чирокчида балиқчилик соҳасида қилаётган ишларимизни кўриб раҳмат айтди. Ана энди шаҳсан у кишининг тақлифи билан туманда балиқчилик кооперацияси ташкил этилган бўлди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
"XXI asr" мухбири

**Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони ортиб бораётгани қувонарли. Хўжайли туманида икки йилдан буён чорвачилик билан шуғулланиб келаётган ёш тадбиркор Ғулوم Матмуратов ҳам айна йўналишдаги интилишларни тобора жадаллаштиряпти. Аҳолини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида янги иш ўринлари яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда.**

## ҲОРМАНГ, ХЎЖАЙЛИЛИК ФЕРМЕРЛАР!


Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари – O'zLiDeP фракцияси раҳбари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ақтам Хайтов Хўжайли туманидаги мазкур фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишди.

– "Ғафур Ғулум Чорва" деб номланган хўжалигини ташкил этганимизга ҳали кўп бўлмади, – дейди фермер Ғулوم Матмуратов. – Асосан чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжаликка Голландия ва Австрия давлатларидан насли қора молларни олиб келганмиз. Ҳозирги кунда уларнинг сони 400 боғи етди. 15 кишининг доимий бандлиги таъминланган. Насли қора молларни Қорақалпоғистон Республикаси шароитига мослаштириб уруғлантириш борасида ветеринария мухтаassisлари билан биргаликда иш олиб бориляпти.

Этиборли томони, насли қора молларнинг ҳар бири кунга 12 – 15 литрдан сут беради. Сут соғиш ускуналари ҳам чет элдан олиб келинган. Сут эса хўжалик қошидаги "Рич милоч" инновацион цехида қайта тайёрланиб, аҳолига юқори сифатда етказилади. Умуман, сутдан 7 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Партияимиз етакчиси фермер хўжалиги фаолияти билан атрофлича танишар экан, уни янада ривожлантириш борасида қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси  
кенгаши матбуот хизмати



# БУ ҲАМ БИЗГА БАЙРАМ ЭМАСМИ?!

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Оқибат нима бўлди? Ўн йилдан кўпроқ муддат ичида республикамиз тўқимачилик саноатига қарашли маҳаллий корхоналар бугун ривожланган давлатлар мақомида турувчи АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар бозорига маҳсулот етказиб бериш бўйича йирик хорижий компаниялар (брендлар) билан ҳамкорлик қилишда жиддий тўсиқларга дуч келингани ҳам бор гап-ку!

Бугун тарихга айланган ўша даврлар беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, ўлкамиз пахта далаларига тақдири занжирдай боғланган деҳқонларнинг аччиқ қисмати уларнинг фарзандлари ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатгани аён. Лекин асрлар давомида айнан инсонпарварликдан кўра "пахта сиёсати" афзал деб кўрилган юртда мустақилликнинг кейинги ўн йиллигида қутулмаган умидбахш экинлар эса бошлади. Ва нихоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 19 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан туриб Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар куриллаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу расмийлик учун айtilган ваъда эмаслигини маъмур коалиция аъзолари ҳам тушуниб етди ва ҳукуматимиз билан ҳамкорликда "пахта бойоти"ни босқичма-босқич бекор қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилди.

Шахсан Президентимиз ташаббуси билан шу пайтгача амалий тажрибада қўлланмаган қонунчилик нормалари жорий этилди. Масалан, 2019 – 2021 йилларда бу борада 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Болалар меҳнати, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланди. Халқаро нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадида бугунги кунгача Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенцияси ва битта баённомаси ратификация қилинди. Президентимиз томонидан 2019 йил 30 июлда имзоланган фармонга кўра одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида халқаро майдонда Ўзбекистон имми-

жани янада кучайтириш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг янги чекка тизими яратилди.



**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Нодир Якубовнинг** "Янги Ўзбекистон" газетасининг 12 март сонидеда эълон қилинган "Ўзбек пахтага қўйилган глобал бойкот бекор қилинди" сарлавҳали мақоласида кўнгилни осмон қадар юксалтиргувчи кўйидаги сўзларни ўқиймиз: "Сўнгги беш йилда мамлакатда оммавий мажбурий меҳнат бутунлай барҳам топди. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистонда 2021 йилги пахта йиғим-терими мониторинги бўйича учинчи томон ҳисоботида теримчилар билан ўтказилган ўн бир минг сўхатга асосланган ҳолда 2021 йилги пахта теримига жалб қилинганларнинг 99 фоизи ихтиёрий равишда меҳнат қилгани

айтилади. Барча вилоят ва туманларда мажбурий меҳнат ҳолатлари жуда кам ёки умуман бўлмаган. Ўзбек пахтадан бойкотнинг олиб ташланиши, биринчи навбатда, тўқимачилик соҳасида уч юздан ортиқ халқаро бренд билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, тўқимачилик саноатида дунёдаги етакчи корхоналарнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишига имкон яратади".



"Cotton Campaign" халқаро коалициясининг маъмур қарорига Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, парламент Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP лидери Актам Хаитов шундай муносабат билдирди:

—Эътибор беринг, 2017 йилда мамлакатда фақат битта пахта тўқимачилик кластери

фаолият юритган бўлса, шу йилнинг январидеда ушбу йўналишга ихтисослашган кластерлар сони 70 тадан ошди. Кластер тизими барча корхоналар батариб ишлаши ва фаолият юртишига имкон яратган ҳолда, тармоқ ичида соғлом рақобатни таъминлаши шубҳасиз. Яна бир қувончли жиҳати, юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта хомашёсининг асосий қисмини, насиб этса, маҳаллий корхоналарда қайта ишлаш ва мавжуд фабрика ва заводларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига ип-кавала, тўқимачилик ва ёғ-мой экспортини янада оширишдек улкан вазифалар ҳам турибди.

Маълумки, ўзбек пахтаси ғоят юқори сифатга эга бўлиб, дунёда энг харидоригир бўлган пахта навлари орасида бешталикка кир-



ган. Илгари пахтаимиз асосан Хитой, Эрон ва Бангладешга етказиб берилган бўлса, мавжуд бойкотнинг бекор қилиниши муносабати билан жаҳондаги тўқимачилик саноати корхоналарининг Ўзбекистон бозорига киришига кенг имконият эшикларини очилишига ишонамиз!

"Fratelli Casa" асосчиси Шоҳрух Қаюмов эса "Daryo.uz" сайтида чоп этилган интервьюсида "Ўзбек пахтаси бу ютқунинг ортидан жаҳон бозорига юқори ҳурматга эга бўлади. 300 дан ортиқ жаҳон брендлари Ўзбекистонда ўз буюртмаларини бериш имкониятига эга бўлади. Божхона имтиёзларига эришсак, бизда Европада янада фойдали экспорт қилиш имконияти мавжуд бўлади. Европаликлар учун Ўзбекистондан буюртма бериш фойдалироқ, Ўзбекистондан келадиган логистика Ҳиндистондан кўра анча арзон. Бекор қилинган бойкот ортидан Шимолий ва Жанубий Америка давлатларига экспортни оширишимиз ва ушбу мамлакатлардан кўплаб брендларни мамлакатимизга жалб қилишимиз мумкин", — дея таъкидлайди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси, шоира Акшагул Тулегенова** ўз дил ихорини шундай баён қилади:

Гулларга бурканар қир, адир, боғлар,  
Оллоҳ ёмғирларин ёғдирган чоғлар.  
Онажон халқимга келди хушхабар  
Оппоқ пахтаим юзидан кетди-ку доғлар!..

Албатта, ушбу эътироф замирида катта маъсулият ётганини ҳам унутмайлик. Ҳа, энди бўлди, пахтаимизга қўйилган тақиқ олиб ташланди, дея хотиржамликка берилиб, ўзбошимчилик билан мажбурий меҳнатга жалб этишга уриниш бу жиноятдан бошқа нарса эмаслигини ҳар бир фуқаро теран англаши зарур.

Яна ушбу санага қайтаимиз, азизлар. Март байрамлар ойнага менгзалиши бежиз эмас. Шу маънода ҳеч иккиланмасдан Янги Ўзбекистон тарихида 10 март кунини ҳам байрамга айланди дея баралла айтсак арзийди.

# НАВРЎ САЙИЛИ – ХАЛҚ МАЙЛИ

**Янги Ўзбекистон ва Наврўз, Тараққиёт ва Янги кун – эгиз тушунчалар. Учинчи Ренессансга пойдевор бўлаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғоялари эса халқимизнинг қадимий анъаналари, урф-одатлари, меҳр-мурувват ва саховат фазилатларини ўзида мужассам этган Наврўздан мадад олиши шубҳасиз.**

"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"нинг Наврўзи ҳаётиимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларида янгилаш, ўсиш ва юксалиш, айниқса, қишлоқда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган, далага уруғ қадаши бошлаётган деҳқон ва фермерлар учун том маънодаги янги кун, янги меҳнат палласидир.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланади. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар бўлади. Наврўз ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва инсониятнинг илмий-бадиий тафаккури даражасига кўра доимо бойиб, баъзан эса айрим жиҳатларини ўзгартириб келган.

Фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев(рахматли)нинг қатор рисолалари ва мақолаларида Наврўзни нишонлашнинг илмий асослари, ушбу байрамга оид удум ва анъаналар, уларнинг бугунги аҳамияти ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Масалан, тарихда шундай даврлар бўлганки, Наврўзни давлат байрами сифатида ёзда ўтказиш қондалаштирилган. Аммо халқ одатдагидай баҳорнинг бошида нишонлайверган. Бунинг оқибатида бир йилда икки марта байрам қилинган. Вақт ўтиши билан кўҳна анъана барибир ғолиб чиққан. Хуллас, Наврўз ҳар қандай ғайриодатий аралашувларни пинанд этмай, элимиз маънавий ҳаётдан озикланиб, янада бойиб, мукаммаллашиб бораверган.

Наврўз сайили – халқ майли, дейдилар. Қадимий ва боқий байрам юртимизда азалдан оммавий сайил сифатида нишонлаб келинган. Ушбу улуг айём муносабати билан одамлар ҳар гал сайхонликларга тўланган. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутуйба, қўшиқлар, аскиячи-



лар пайрови янграган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғир-чоқбозлар ўз санъатини намоиш этган. Ишқибозлар бир чеккада кўчқорлар жанги, бошқа бир қурда хўроз уриштиришни томоша қилганлар.

Истиклол туфайли Наврўз нанки қайта тикланди, айна чоғда изчил ривожланди, тақомиллашди, мазмун-моҳияти бойиб, янада сайқал топди. Бир сўз билан айтганда, бугун Наврўз минг йиллар олдинги ажодларимиз каби

халқимиз эмин-эркин, шод-хандон нишонлайдиган азиз айём, элимизнинг оммавий сайили сифатида тамомла янги руҳ, ўзгача тароват касб этди.

Президентимизнинг "2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридеда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари аниқ режали тадбирлар ўтказаятгани, уларда "Ассалом, Наврўз –

янгилаш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!" деган бош ғоя мужассамлашгани ҳам бежиз эмас.

Наврўз байрами билан боғлиқ кўплаб удумлар мавжуд. Ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган ҳашар, Йилбоши арафасида нишонланадиган "қозон тўлди" маросимлари шулар қўшимчасидан. Бироқ кўклагани гулу райхонларнинг, янги кўз очган чучумомаю лолақизғалдоқларнинг атри-бўйларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис? Ушбу бебаҳо байрамимиз билан боғлиқ қадриятлар таркибидеда гул сайиллари алоҳида ўрин тутди.

Ёмғир ёғдириш, шамол чақиритиш ва уларни тўхтатиш, эрта баҳорда далага кўш чиқариш, дон экиш ва чорвачилик билан боғлиқ халқ қўшиқлари азал-азалдан икки дарё оралиғида деҳқончилик қилиб, ўзига хос маданият дурдоналарини мерос қолдирган ажодларимизнинг инсоният цивилизацияси ривожидедаги бемисл ўрминдан далолатдир.

Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: "Наврўз янги йилнинг биринчи кунини бўлиб, унинг маъноси ҳам шуни тақозо этади. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунигача, дарахтлар гуллашидан то мевалар етилгунигача, ўсимлик униб чиқа бошлаганидан тақомиллашгунигача давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган".

Ҳа, Наврўз – Йилбоши ва баҳор байрами, келаётган янги меҳнат мавсумининг баракали, фаровон ва серфайз бўлишига тилак билдириш ҳамда ёвузлик кучлари йўқлик қаърига чекиниб, эзулик тўлганга қиладиган кундир. Наврўз байрамининг айнан кўклагани тенгқуликда, қиш ва баҳор алмашишида, бутун борлиқ уйғонадиган фароғатли дамда тантана қилинишининг муайян табиий-илмий асослари бор, албатта.

Наврўз Марказий Осиё халқларининг баҳорий удумлари, мавсумий маросимлари асосида бундан тахминан тўрт минг йил(балки унданам кўдир) бурун пайдо бўлган байрамидир. Бу айём ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклаган мўъжизаларидан лаззатланишга, ҳаётнинг боқийлигига имон келтиришга ўргатиши билан янада аҳамиятлидир.

Илмий-бадиий адабиётлар асосида  
Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

## ЖАМИЯТДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ОДАМЛАР ҲАЁТИДАН, КУНДАЛИК ТУРМУ- ШИДАН ҚАНЧАЛИК ЎРИН ОЛГАНИНИ БЕЛГИ- ЛОВЧИ МЕЗОНЛАР КЎП. ЮРТ РАВНАҚИ, ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ БУ ЎЗГАРИШЛАР ДУНЁҚАРАШИМИЗГА, ҲАТТО ТИЛИМИЗГА ҲАМ ТАЪСИР ҚИЛГАН.

Кластер, “маҳаллабай” ишлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби сўзлар, бирикмалар бежиз оммалашиб кетмади. Биргина “Ёшлар дафтари” мисолида кўрадиган бўлса, мазкур электрон дастур орқали унга киритилган ёшларга аниқ, манзилли кўмак бериш имкони пайдо бўлгани, ушбу сўзнинг нафақат масъул идораларда, тадбир ва мажлисларда, балки оилаларда, йигит-қизларнинг ўзаро мулоқотларида ҳам энг кўп фойдаланадиган сўзлар қаторидан

либ турадиган Форишда ҳам энг оғир муаммолардан бири – ишсизлик.

Расмий маълумотларга қараганда, меҳнатга яроқли аҳолининг 10 фоиздан ортиғи ишсиз. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардан иборат эди. “Ёшлар дафтари”нинг ташкил қилиниши бу муаммони манзилли бартараф этишга киришиш имконини туғдирди. Дардни даволаш учун тўғри ташхис қанчалик муҳим бўлса, ижтимоий муаммога айланган ёшлар бандлигини ҳал қилиш учун ҳар бир маҳалла-

нинг “хонадонбай” тартибда ўрганиб чиқилиши шунчалик муҳим бўлди.

– Ўтган вақт давомида туманимизда “Ёшлар дафтари”га 1183 нафар йигит-қиз киритилган эди, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими шўба мудири Хамид Ботиров. – Айни пайтда дафтарга киритилган ёшларнинг муаммолари деярли ҳал этилди.

Мутасаддиннинг гаплари кўрмаган кўз, эшитмаган қулоққа худди баландпарвоз ҳисоботдек туюлиши мумкин. Аслида-чи? Аслида ҳам шундай. Агар амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлса, куйидаги ҳолатга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Туманда “Ёшлар дафтари”га киритилган 223 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирил-



### ИМКОНИАТ

тирадиган даражада дид билан чиройли қилчиб тайёрланган. Мазкур цехдан чиққач, яна бир йигитнинг тақдир билан қизиқамиз. Қўлба маҳалласида яшовчи “Ёшлар дафтари”га киритилган чин етим Фирдавс Нарзуллоев айни пайтда тўлов асосида мuddатли ҳарбий хизматни ўташга жўнатилибди.

– Фирдавсга кўмак беришни депутатлик назорати-га олганмиз, – дейди Бозоргул Тўраева. – Ҳарбий хизматни тамомлагач, миллий гвардиячи бўламан, деган орзусини рўёбга чиқаришга кўмаклашамиз. Худо хоҳласа, эл-юртимизнинг тинчлиги асрайдиган ҳақиқий мард йигит бўлиб етишадди.

Албатта, қисқа мuddатли ижодий сафар давомида тумандаги “Ёшлар дафтари”га киритилиб, муаммолари бартараф қилинган барча ёшлар билан мулоқотда бўлишнинг имкони йўқ эди. Бироқ бир нарса бизни севинтирди. У ҳам бўлса, Форишда ёшлар ўз холига ташлаб қўйилмаган. Уларнинг муаммоларини ечишга эмас, орзу-умидларини ҳам амалга ошириш учун баҳоли қудрат имкониятлар яратилмоқда. Тўғри, ҳали ечимини кутаётган кўплаб масалалар бор, бироқ уларни бартараф этиш биргина мутасаддиннинг эмас, балки туман ёшларининг ўзларига ҳам боғлиқ. Қолаверса, айни пайтда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартриш масалалари бўйича фаолият олиб бораётган ҳоким ёрдамчилари ёнида ёшлар етакчилари ҳам фаолият олиб боришмоқда. Демак, уларни қийнаётган муаммолар ечимига бўлган эътибор янада кучаяди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

Холбек АСАТОВ  
олган суратлар.

# ФОРИШДА ШУНДАЙ ЁШЛАР БОР

ўрин олишига сабаб бўлди.

Хўш, тилимиздан муқим ўрин олган, ёшларимизнинг қўлаб-қувватлашга муҳтож қатлами киритилиши белгиланган мазкур дафтарнинг амалий самараси қандай бўлмоқда?

Бу саволга Фориш тумани мисолида жавоб топишга интилдик. Жиззах вилоятининг салкам 45 фоиз ҳудудини эгаллаган мазкур туманда мавжуд 25 та МФЙдаги 15 646 та хонадонда 95 мингдан ошқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 47 мингдан ошғи айнан ёшлардан иборат. 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар эса 13 700 нафарга яқин. Вилоятнинг бошқа туманларидан ўзига хос урф-одатлари, табиий муҳити, ҳатто шеvasи билан фарқ қи-



ган. 216 нафари тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган. “Устоз-шоғирд” аънаси орқали 313 нафар, ер ажратилган орқали 229 нафар, субсидия ажратилган орқали 37 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган. 154 нафарининг ижтимоий муаммолари ҳал этилган.

Умуман олганда, тумандаги уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлашга жуда катта эътибор қаратилган. Қисқа вақт давомида 436 нафар йигит-қизга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кредитлар ажратилган. Аънавий фаолият турлари – боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик соҳасига ҳам 557 нафар ёш жалб қилинган.

– Ўтган йили ёшлар билан янгилаш тизими бўйича алоҳида дастур қабул қилинган

эди, – дейди ижодий сафаримиз давомида бизга ҳамроҳлик қилган Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси Бозоргул Тўраева. – Шу кунгача мазкур дастур ижроси учун республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан 4 млрд. 430 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Дастур доирасида 3700 нафар ёш қамраб олинди.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Бозоргул опани форишлик ёшлар туман йигит-қизларининг манфаати учун жон куйдирадиган, кўплаб тенгдошларига кўмак берган депутат сифатида яхши билишадди. У ҳам ўз ўрнида уларнинг орзу-ҳаваслари, кувончу ташвишларидан бохабар. Депутат бизни Лайло Илҳомованинг хунармандлик цехи томон бошлади. Гагпа

чечан, ғайратли тадбиркор қиз партиямиз фаоли экан.

Лайлонинг фаолият тури хунармандлик доирасидан анчагина кенгайиб, ўқув машқлари, тикувчилик, савдо йўналишларини ҳам қамраб олибди. Ёш хунарманд 8 нафар аёлни иш билан таъминлабди.

– Гарчи чекка туман бўлса-да, ҳаракат қилган, интилган ёшларимиз учун барча имкониятлар бор, – дейди Лайло Илҳомова ишонч билан. – Пандемия балоси фаолиятимизга анчагина салбий таъсир қилди. Бироқ мана яқинда туманимиздаги мактабга таълим ташкилоти билан шартнома имзоладик. Унга кўрпа, жилд ва бошқа сўралган нарсаларини тикиб беришга киришдик. Туманимиздаги Ўзбекистон маҳалласи ҳудудидан “Ёшлар кичик зонаси” ташкил этиш учун 5 гектар ер ажратилибди. Ҳозир ўша ҳудудда фаолият олиб бориш учун бизнес лойиҳа тайёрлапмиз.

Хунармандчилик цехидаги заргарлик буюмлари, кийимлар ва бошқа тайёр маҳсулот турлари одамнинг ҳавасини кел-

### ҲУҚУҚ ВА ҲИМОЯ

## ҒИРРОМЛИККА УЧРАГАН ТАДБИРКОР ҲАҚҚИ СУД ТОМОНИДАН УНДИРИЛДИ

**ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАН-  
ФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СУДЛАР,  
АЙНИҚСА, ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ЗИМ-  
МАСИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН  
БИРИДИР. ЗЕРО, УЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИ-  
ВОЖЛАНТИРИШ, ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА  
ЭЪТИБОР КУЧАЙТИЛАЁТГАН БИР  
ПАЙТДА ИШБИЛАРМОНЛАРГА НИСБАТАН  
НОҲАҚЛИКЛАР БўЛАЁТГАНИ ҲАМ СИР  
ЭМАС.**

Андижондаги “Story plus” масъулият чекланган жамияти раҳбари Ш. Алимов ҳам ғирромликка учради. Андижон вилоят “Тоza худуд” давлат унитар корхонаси ва унинг Бўз туман филиали (ҳозирги Бўстон) мутасаддилари унга нисбатан “Ишим битди – эшагим лойдан ўтди” қабилади иш тутишди.

Гап шундаки, 2019 йилда “Story plus” томонидан филиал биносида 149 665 406 сўмлик қурилиш, таъмирлаш ишлари бажарилган. Бу хусусда буюртмачи Андижон вилояти “Тоza худуд” давлат унитар корхонаси раҳбари М. Ғиёзов ҳамда унитар корхонанинг Бўз туман филиали раҳбари Р. Эмильев томонидан бажарилган ишлар далолатномаси тасдиқланган. Қолаверса, филиал раҳбари Ф-3 ҳисоб-фактурасига ҳам имзо чекиб, муҳр босган. Бироқ даъвогар ва жавобгар ўртасидаги 3-сонли пудрат шартномаси эса кейинроқ тузилган. Буюртмачилар шу даражада юзаси иш тутишгани, ўша пайтда шартномага фазначилик бўлинишидан рўйхатдан ҳам ўтказилмаган. Чунки улар юқорида қайд этилган шартнома билан ишларни ташкил этган юри-

Ш. Алимов қарасаки, муаммо яхши гап ва мурожаат маддори билан ҳал бўлмайдиган, шартнома даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўз ҳақини ундириб беришни сўради.

Буни қарангки, чиндан ҳам жавобгар зиммасидаги қарзини тўлашни хоҳламагани суд мажлисида яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Аниқроғи, судда иштирок этган жавобгар вакили даввони тан олмай, тарафлар ўртасида имзоланган шартнома фазначилик бўлинишидан рўйхатдан ўтмагани, тадбиркор тендер танловларида иштирок этмагани, унитар корхонанинг Бўз филиали эса алоҳида юридик шахс ҳисобланмаслиги ва балансга эга эканини баён қилиб, даввони рад этишни сўради.

Фуқаролик кодексининг 47-моддасига мувофиқ, агар қонунда бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмаслиги, улар ўзларини ташкил этган юри-

дик шахс томонидан мол-мулк билан таъминлиниши ҳамда у тасдиқлаган низом асосида иш олиб бориши назарда тутилган. Бундан кўринадики, филиалнинг мажбуриятлари бўйича уни тузган юридик шахс жавобгар саналади. Айни асосга кўра, суд жавобгарнинг юқоридаги вазилари билан келишмади.

Олий ҳужалик суди пленумининг 2016 йил 23 декабрдаги “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиққан қўлашлари лозим” деб тушунтириш берилган. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлса, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактураси тадбиркорнинг юқоридаги қийматда бунёдкорлик ишларини амалга оширганини тасдиқлайди. Ана шу асосларга таянган суд Андижон вилояти “Тоza худуд” давлат унитар корхонасидан “Story plus” масъулият чекланган жамияти фойдасига 149 605 406 сўм маблағни ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Қолаверса, давлат бюджети даромадларида ҳам мазкур соҳанинг улуши беқиёс. Шундай экан, тадбиркорга ғирромлик қилиш ёки унинг эмин-эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлиш эмас, балки уларни қўллаб-қувватлаш зарур. Ана шунда республикамиз иқтисодиёти юксалгандан юксалиб бораверади.

Иброҳим Жўраев, Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг судьяси

**БУ ГАП БЕЖИЗ АЙТИЛ-  
МАГАН. МАНЗИЛИНГИЗ  
ТОМОН ОШИҚСАНГИЗ-У,  
ТРАНСПОРТ ҚАТНОВИ  
УЧУН ЯРОҚСИЗ, ПИЁ-  
ДАЛАР УЧУН ХАВФЛИ,  
БУНИНГ УСТИГА, ТИРБАНД  
ЙўЛЛАР ВАҚТ ВА АСА-  
БИНГИЗНИ ЕЙДИ, ҲАФСА-  
ЛАНГИЗНИ ПИР ҚИЛАДИ.  
АХИР, Йўлдаги ҲОЛАТ-  
ЛАР КАЙФИЯТИНГИЗГА  
ҲАМ БЕВОСИТА ТАЪСИР  
ЎТКАЗАДИ-ДА! АКСИНЧА  
БўЛСА-ЧИ? МАНЗИЛИН-  
ГИЗГА ҚАНДАЙ ЕТИБ  
КЕЛГАНИНГИЗНИ ҲАМ  
БИЛМАЙ ҚОЛАСИЗ, ВАҚТ-  
ДАН ЮТАСИЗ, ИШИНГИЗ  
УНАДИ. КЕЙИНГИ ЙИЛ-  
ЛАР АЙНИ ШУ МАҚСАДДА  
МАМЛАКАТИМИЗДА САЛ-  
МОКЛИ ИШЛАР АМАЛГА  
ОШИРИЛДИ. ЯНГИ ЙўЛ-  
ЛАР, ЙўЛЎТКАЗГИЧЛАР,  
КўПРИКЛАР БУНЁД  
ЭТИЛАЁТГАНИ ФИКРИМИЗ  
ИСБОТИ.**

Келинг, янаям аниқ мисолларга мурожаат қиламиз. Масалан, лойиҳа асосида 4Р2 Тошкент шаҳридан Нурафшон шаҳри А373 белгилли йўлнинг 17–26 километр оралик қисми мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширил-



ган. Лойиҳа талаблари асосидаги ушбу кенг ва раво, 9 келометр узунликдаги асфальт қоплама йўлда “Тошкент кўприклардан фойда-



## Йўли созининг иши соз

ланиш” унитар корхонасининг қурувчилари меҳнат қилди.

– Ўтган йили 4Р12 Бектемир – Чирчиқ – Ғазалкент – Чорбоғ кўрғони йўлининг белгиланган қисмлари мукамал таъмирланиб, жорий йилги дастур доирасида 71–74 километр оралиғида реконструкция ишлари бажарилмоқда, – дейди “Тошкент кўприклардан фойдаланиш” унитар корхонаси бош муҳандиси Абдумажид Хожиев. – Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, астойдил меҳнат қилаётган қурувчиларимиз иш давомида кўп-



лаб қийинчиликларга дуч келишса-да, жонбозлик кўрсатишмоқда.

Бундан ташқари, ушбу аҳил жамоа кўплаб янги йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприклар қурилиши ва таъмирланишида ҳам фидойилик кўрсатяпти. Масалан, айни дамда Қибрай ва Юқори Чирчиқ

туманларини боғловчи кенг, раво 19 200 метрли янги автомобиль йўли барпо этилишининг дастлабки босқич ишлари олиб боришмоқда. Дўстлик – Тараққиёт – Дўрмон қорроғоҳи кўчалари 4Р12 белги остидаги айланма йўлигача 6 900



метр янги йўл барпо этиляпти. Бундай хайрли, савобли ишларда моҳир йўлсозлар бел боғлаб хизмат қилляпти.

Юқоридаги бунёдкорликлар, халқона айтганда, хамир учидан патир. Демак, узоғимизни яқин қилаётган бунёдкорлар тўғрисидаги материаллар билан нашримизнинг навбатдаги сонларида ҳам танишиб борасиз.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,  
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳри Сергели тумани Қўйлик 6-мавзе, 6-уй 12-хонадонда рўйхатга олинган “FERZARJAV UMUMSAVDO” ХКнинг думалоқ муҳри йўқолгани маълум қилинади.

Телефон: 98 365-60-52.

# “ШҶҲҲҲҲ ГАЗ КИМЁ мажмуаси”

**UNG**  
**Shurtan GKM**

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*бетакрор ва дилбар фаслнинг энг қутлуг байрами – шарқона янги йил билан юртдошларимизни самимий табриклайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.*

*Меҳр-оқибат, саховат ва мурувват кўрсатиш каби азалий эзгу қадрият ҳамда анъаналаримиз тимсоли бўлмиш Наврўзи оламда элимиз дилига туккан жамики яхши ниятлар, орзу-истаклар ушалсин!*

*Улкан марралар сари одимлаётган Янги Ўзбекистонимиз тинч ва обод бўлсин!*



Хизматлар лицензияланган.



**Uzkiyosanoat**

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

UZ-POTASH

## Деҳқонобод калий заводи

*Юртимизда уйғониш ва янгиланиш, қут-барака элчиси Йилбоши – Наврўз шуқуҳи кезиб юрибди.*

*Ушбу тароватли, суюкли ва ардоқли байрам билан кўпмиллатли халқимизни чин дилдан муборакбод этиб, уларга янги йилимиз қутлуг келишини, ҳаёти гўзал ва фаровон бўлишини тилаймиз.*

*Азиз юртдошлар! Ўзгача интиқлик билан кутиб олиниб, катта тантана билан нишонланадиган, барча гина-қудуратлар унутиладиган, ёру дўстлар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшилар бир-бирига меҳр-муҳаббат, қувончу шодлик улашиб, эл-улус, маҳалла-кўй ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланадиган улуг айём барчамизга муборак бўлсин!*



Хизматлар лицензияланган.

## АЖАБ ҲАҲОМАЛАР

**ҲА, АЙНАН ЎҚЛОВ! УЗУНРОҚ БЎЛСА, ЯНАЯМ ЯХШИ. АКС ҲОЛДА, НЕ УМИДЛАР БИЛАН ОЛГАН ЧИПТАНГИЗГА КУЙИБ, ТОМОША ҚИЛОЛ-МАЙ, ЗАВҚИНИ ТУЁЛМАЙ ҚАЙТАСИЗ. ИШОНАВЕРИНГ, БОШИДАН ЎТГАН ТАБИБ ДЕЙИШАДИ-КУ, БОШИМДАН ЎТМАСА, МЕН ҲАМ СИЗГА АЙТАРМИДИМ?!**


Айни кунларда концерт заллари томошабинлар билан жангум. Сокин қишдан зерикиб чиққан санъатга ошурфта инсон борки, мусиқа тинглаб, дам олгиси, кайфиятини кўтаргиси келади. Байрам кунларини хуш ўтказиши учун ақинларига чипталар ҳада қилади.

“Халқлар дўстлиги” санъат саройида “Азиз ва муқаддасан, аёл” концерт дастури (3, 4, 5 март кунлари, томоша икки маҳалдан: соат 14-00 ва 17-00 да) бўлиши, айниқса, унда мен куйларини севиб эшитадиган бастакор Султонли Раҳматов ижоди ҳам ўрин олганидан хабар топиб суюниб кетдим. Барча режаларимни ўзгартирдим-у, санъаткорнинг ашаддий шинавандаларидан бўлган дугонам билан санъат саройи сари йўл тортдик.

Суришиб кассага бордик, ростданам бирор харидор йўқ унинг дарчаси олдида. Шундай бўлса-да, тирқишдан бош суқиб чипта сўрадик.

– Фақат балкондан жой қолган, – деди сотувчи.

Олтин топиб олгандек қувониб, шарт-харида қилдик. Майли-да, балкон бўлса нима қилибди. Шодлигимиз ичимизга сиғмайди, тезроқ бошлансайди. Ростдан ҳам, Султонли Раҳматов ноёб бастакор, юртимиз фахри, унинг куйлари эшитган кўнгилни сел қилиб юборади, оддий эмас, мусиқалари, нодир, бебаҳо. Фақат бошқа санъаткорлар каби ҳар йили альбомини тақдим қилмайди-да бу ерда, асосан “Youtube”дан тинглаймиз ижодини. Бу имконият насиб қилганидан хурсанд бўлмай



## КОНЦЕРТГА ГУЛ, ЙЎҒ-Е,

## ЎҚЛОВ БИЛАН БОРИНГ!

Сарой ҳовлисида тумонат одам. Биз борар чоғда кундузги томоша соҳиблари уйларида қайтаётган экан. 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафаси бўлгани учун аксарияти аёллар. Уларга ақинлашиб сўраймиз:

– Концерт яхши ўтди, чипта неччи пулдан экан?

– Менга ўғлим совға қилди байрамга, нархини билмайман, чиройли ўтди, жуда яхши дам олдим, – деди 60 ёшлардаги онахон.

– Султонли Раҳматовнинг мухлисими, олдиндан билмагандим дастур ҳақида, хабар топиб оқиб келдим, – дейди ўрта ёшлардаги жувон. – Кассада билет тугаб бўлган экан, қўлдан сотиб олдим 300 мингга, ўзи 150 минг сўм экан нархи.

– Балконда жойлашган ўрин учун 25 минг сўмлик чиптани 100 мингга сотиб олдим, – дейди кўринишидан талаба қиз.

Шеригим иккимиз бир-биримизга қараб кассага шошилдик.

– Билетлар бор, билетлар...

– Олд ўринлардан бор, атиги 2 та қолди...

Олибсотарларнинг бақир-чаққори оламни бузади.

– Кассада билет қолмаган, овора бўлманг, қаердан қилиб берай? – ақинлашди кўнгилда ёш йигит. – Шоколад билетлар бор, олиб қолинг.

бўладими ахир?!

15 дақиқа олдин ўрнимизга жойлашдик, телефонларимизни овозсиз режимга ўтказдик. Иккимиз ҳам ҳақиқатан кўп эканки ёки баҳорнинг илк дастурларидан бўлгани учунми, ишқилиб, залга ёпирилиб кирарди томошабин. Ниҳоят, чироқлар ўчирилди, орзиқиб кутганимиз концерт бошланди.

Дастлаб ҳар дамгидек тўрт-беш қиз-қизчи-бошловчи ўн йилдан буён такрорланавериб сийқаси чиққан, фақатгина вақтнинг мажбуран чўзиш мақсадидаги ҳақоратомуз оҳангдаги ҳазиллари (аёлларга байрамга қанақа совға ёқди, иккинчи хотин, аёлдан телефонни беркитиб юриш...) билан валақлашди. Наҳот, йилда бир марта бўладиган дастур учун янги чиқиш тайёрлашни элласолмасан?! Улар даврани тарқ этган, асосий бошловчи қолиб, яна баҳорга, аёлларга узоқ таъриф берди, сўнг ҳозир чиқади санъаткорни узундан-узун мақтади. Кириш қисмининг

билан овора, “узр-узр”лаб 10–15 одамни ўрнимдан турғазиб, башарасига қапишгудек бўлиб хув тўрдаги жойлари томон судралишарди. Манов олдимиздаги ҳозиргина келган уч ўрин эгаси, улар бир оила, шекилли – эр, хотин, 15 ёшлардаги қизи ўринларига жойлашмаёқ, хурпайган уст-бошларини ечмасдан, тик турганча баравар телефонларининг камераларини саҳнага қаратиб, видеога олишга тушишди. Олган лавҳаларини дарҳол телеграм орқали қилларгадир жўнатишди, яна тасвирга туширишга киришдилар. Сўнг эр бир кўнғироққа жавоб берди, ҳозир қаердалиги, унча қайси ресторанда овқатланишгани, неча пул тўлагани, қанчада етиб келишгани...

На томошадан, на томошабиндан кўнглим тўлмай турса-да, яхши умидлар билан вазмин бўлишга уриндим. Оилавий “видеочилар”лар жойларига чўкишгач, улар аро томоша қилиш машаққатидан қутулиб, ўриндиғимга ястандим. Ана Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова янги ашуласини жонли айтди, бўлар экан-ку, фонограммасиз куйласа. Ҳам маъноли кўшиқ. Эшитатиб ширин хаёлларга чўмасан.

Афсуски, ширин хаёлларим адоғига етмади, энди “видеочилар”лардан олдинги қатордаги чол-камбирнинг 12-13 ёшлардаги набираси тик турганича шапалоқдай планшети билан жараёни тасвирга олишга тушса денг. Бундай пайтда, яъни қоронғи залда сендан олдинда ўтирганларнинг гаджетидан тараладиган ёруғлик айнан сенга тутилгандек кўзини қамаштириб, томошадан чалғитар ва асабинга тегар экан. “Видеочилар” эркакдан болакай планшетини ўчириши ва ўриндиққа ўтиришини, бизга саҳна кўринмаётганини етказишини сўрадим. Бу гапимни ундан эшитган буви “э-ээ” дегандек кўлини силтади-да, қувватлаш маъносидан набирасининг елкасига қоқиб қўйди. Тагин денг, набира учун чипта олишмаган, шекилли, икки ўриндиқ бирлашган жойга чиқариб ҳам қўйишди уни. Саҳна кўзимдан батамом тўсилди-қолди. Фақат ўрнимдан туриб томоша қилишим мумкин, холос. Аммо бу – орқадагиларга халал бериш дегани. Тақдирга тан беришдан бошқа илож қолмади. Ўртадаги киши орқали яна даки берай десам, биламанки, фойдаси йўқ, барибир билганидан қолишмайдиганлар тоифасидан экани аён.

Кўзимни юмган кўйи радио тинглагандек ўтирдим. Чамаси икки қўшиқ ижросидан сўнг дугонам туртди, кўзимни очсам, ҳалиги безбет набира йўқ, Саҳнада кўшиққа

мос бир гўзал рақслар ижро этилаётган экан, томошасидан роҳатланиб турувдим ҳамки, яна лип этиб ёнган чироқ кўзимни олди. Яна “видеочилар” қиз. Онасининг елкасини энгилгина туртиб, қизи телефонини ўчиришини, халал бераётганини имо-ишораларда етказдим. Она узр сўраш ўрнига тумтайиб олди, қизига лом-мим демади, унинг елкаси оша кўлини ўтказиб, ўзига тортиди. Энди қизини туртдим, дардимни айтдим, у ҳам хижолат бўлиш ўрнига баттар тумрайди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек бошини лиқиллатиб лавҳа олиш завқида давом этди. Буларни кўриб турган ота эса назорат қилиш ўрнига ўзини уйқуга солди. Ана, набира кўринди яна. У чап қўлидаги катта хот-донги тишлаган, ўнг қўлида эса шундай егулик солинган, шекилли, бир халтачани кўтарган кўйи ўриндиқлар оралаб бобо-бувисининг ёнига қайтар эди...

Концерт бошланганидан бир ярим соатлар ўтиб, рўмол ўраган тўрт қиз кели орқа ўриндиқни забт этишди. Мана шулар ўтирса бўлмасмиди буларнинг ўрнига, ҳарна фаросатлига ўхшашарди, дедим ичимда. Чувчарани хом санаган эканман, улар бир-бири билан шу ерда суҳбатлашиб, қаҳ-қаҳ отиш, хуллас, валақлашиб учун келишган экан. Бу қилқилари етмагандек, шақирлоқ картошка варақчаларини қасирлатиб ейишар, устидан идишларини қасирлатиб қола ичишар, кейин бўш баклажаларини жони чиққунича бураб, ўриндиқлар тагига юмалатишар экан. Таъқиб этиб қарасанг, идишни баттар бурашар, янада баландроқ қулишар экан...

Ё тавба, бу не аҳвол? Наҳот миллитимиз шу даражада безбетлик, фаросатсизлик ботқоғига чўкди? Қачон улгурдик бунга? Қани фаросат, зийраклик, хушёрлик каби инсоний фазилатлар? Ё жамоат жойида ўзини тутиш қоидаларига амал қилишни ўргатмай қўйдими отаналар? Бизга волидаю падарларимиз, момоларимиз уйдан ҳам кўра бегоналар олдида ўзимизни тутишни, бировга халакит бермасликни, кўпчиликини ҳурмат қилишни бот-бот қўлоғимизга қуйишар эди-ку?! Меҳмонга-ку катталарга эргашиб бормасдик, яқин қариндошларимизникига боргандай остана ҳатлашдан олдин ярим соат тарбиявий соат ўтишиб, сўнг жиддий бўлиб олиб етаклашарди. Айтганларига меҳмондорчиликда амал қилмасак, яхшигина даки эшитардик ва кейинги сафар боришдан маҳрум бўлардик. Кўни-кўшни ё устозимиздан шикоят

тушса, бизнинг тарафимизни бирор марта олишмаслигини ҳам билардик. Келинлик уйимизга ҳам худди шундай тарбиявий соатлар ўтиб кузатишган. Гап ташишга қўйишмаган, янги турмушимиздан нолигудек бўлсак, “Ўзинг ёмон” дейишларини ҳам билардик ва жимгина кўнгиб, илдиэ отдик. Жуда тўғри йўл тутишганини мана

бугун англаб ўтирибмиз.

Хўш, манов ойда кўринган рўмолли қизлар, “видеочилар” қиз, ундан олдиндаги қулоқсиз неваря – атрофда ўзларидан бошқани кўришмаётгани йўқ, кўриш институтини ривожланмаган уларда! Жамоатни ҳис қилишмайди. Чунки бундай тарбия берилмаган шу пайтгача, аминманки, кейин ҳам берилмайди! Манов “видеочилар” ота-чи? У оиланинг хўжайини эмас, кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга олиб умрини ўтказаверади. Унинг тинчини бузишмасе бўлди. Билганидан қолмасликка ўрганган эрка қиз эртага борган жойида бошқаларни ҳурмат қилмайди, танбех эшитиши биланок уйига келади жабрдийда кўриниб, она “беғуноҳ” қизига сиқилмаслигини ва тушган оиласига гапини ўтказиши кераклигини тайинлайди. У эса бориб хурмата қилиқларини авжига чиқаради, қайнона асаб касаллик орттиради, икки ўртада куёв жонхалак. Бир-икки фарзанд кўрса-ку, ҳамма унинг қўлида кўнғирчоқ... Эҳ-хе...

Э, ана, Султонли Раҳматов жамоаси билан саҳнани эгаллади (концерт асабузарликларим, нохуш хаёлларимни тарқатиб юборди (унгача кимлар чиқди, қандай кўшиқ ижро этишди, рости, эслолмайман ҳам), руҳиятимни ажиб сукунат ва тароват қамраб олди. Ҳаммасидан ҳам қувончлиси, гала концерт учун келишган, шекилли, менга халал қилаётганларнинг дарчаси туриб кетишди! Айниқса, бастакорнинг янги эксклюзив куйлари – набирасига аталган “Жасмин”, унга муносиб монитордаги болалар дунёси акс этган лавҳа мени беғубор болалигимга қайтарган бўлса, “Зикр”и бу дунёнинг ғаму ташвишлари ўткинчи экани, уларга эътибор қилмаслик, ҳар қандай ҳолатда ҳам шукр ва зикр қилишга ундади. Салкам икки соат давомда бетакрор санъаткор Султонли Раҳматовнинг энг сара куйларидан баҳраманд бўлдим, мусиқий дунём янада ранг-баранг бўлди, энг муҳими, руҳиятим тиниқлашди! У саҳнага чиққунича эса бир нарсга кўп пушаймон бўлдим, холос – концертга ўқлов олиб келмаганимга! Аммо сиз унутманг, албатта олиб боринг. Жуда асқотади.

**Н. ЭЛМИРЗАЕВА,**  
“XXI asr” махсус мухбири



– Неччи пулдан?  
– Сувтекин. Иккитаси 600 минг, қоқ марказдан, маэза қилиб томоша қиласиз.  
– Арзон бўладими? – шунчаки сўраймиз ундан.  
– Вой, нима деяспиз, бунақа жойни бу нархда тополмайсиз, бўлиши шу.

ўзиёқ бир тузук кўрсатув вақтича давом этди.

Бу ёқда, соат 19-30 бўлди ҳамки, қалин уст-бошларини кийим сақлаш хонасига қолдирмаган сурув-сурув томошабинлар ёўдайганча (бироз эглиш кераклиги хаёлларида ҳам йўқ) ўринларини қидириш

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирождин САЙИДИ  
Аҳмад ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳрират манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 351 Адади: 5150  
Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди – 20:30

Таҳриратга келган қўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета таҳрират компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Нёъматов,  
Маъруфжон Раҳмонов  
саҳифалади.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Сардор МУСТАҒОЕВ